

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

«Марказий дехқон бозори» акциядорлик жамияти раҳбариятига

Мен, «TRANS AUDIT - А»МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган, барча хўжалик юритувчи субектларда аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи 2019 йил 17 апрелдаги № 00825 сонли лицензиясига мувофиқ) директори Тахиров И.М. томонидан Молия вазирлигининг № 05617 сонли 2019 йил 25 июня берилган сертификатига асосан ва аудитори Тўлаев У.И. томонидан молия вазирлигининг №04852 сонли 2010 йил 10 июля берилган сертификатга асосан хўжалик юритувчи субъект «Марказий дехқон бозори» АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига тайёрланган Бухгалтерия баланси-1-сонли шакл, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот-2-сонли шакллари ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Марказий дехқон бозори» АЖнинг илова килинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувани Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувани режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Марказий дехқон бозори» АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Аудиторлик ташкилоти
раҳбари**

И.М.Тахиров

Аудитор

У.И.Тўлаев

*05 апрел 2021 йил
Тошкент шаҳри*